



**Ярмаркалар савдоси ва савдо-тайёрлов корхоналарини  
ташқил этиш бўлими тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 октябрдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3344-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Ярмаркалар савдоси ва савдо-тайёрлов корхоналарини ташқил этиш бўлими (келгусида “БЎЛИМ” деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмасининг буйруқ, йўриқнома, раҳбарият топшириқлари ва мазкур Низомга асосан юритади.

1.3. Бўлим бошлиғи ва ходимлари Уюшма раиси томонидан ишга қабул қилинади ва вазифасидан озод этилади.

1.4. Бўлим штати ва киритиладиган ўзгартиришлар Уюшма раиси томонидан тасдиқланади.

**II. БЎЛИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

2. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

2.1. Уюшма таркибига ўзаро ҳамкорлик ва томонларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги келишув-шартнома асосида қабул қилинган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ваколат доирасида методик, зарур ҳолда амалий ёрдам кўрсатиш;

2.2. Уюшма такрибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари томонидан ташқил этиладиган ярмарка савдолари ва савдо-тайёрлов корхоналарини фаолиятини мувофиқлаштириш;

2.3. Уюшма такрибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари томонидан бўлим ваколатига доир масалалар юзасидан чора-тадбирлар, режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Уюшма раҳбариятига киритиш;

2.4. Уюшма таркибидаги корхоналар фаолияти юзасидан бўлим ваколати доирасида таҳлилий ахборотлар тайёрлаш.

2.5. Уюшма таркибига ўзаро ҳамкорлик ва томонларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги келишув-шартнома асосида қабул қилиш юзасидан корхоналар аризаларини кўриб чиқиш, уларнинг фаолиятини таҳлил этиб, улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида Уюшма раҳбариятига тегишли таклиф тайёрлаш;

2.6. “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналарга юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларини белгиланган тартибда бажармаган корхоналарни Уюшма таркибидан чиқариш юзасидан Уюшма раҳбариятига тегишли таклиф тайёрлаш;

2.7. Таркибдаги корхоналар томонидан деҳқон озиқ-овқат бозорларида чакана савдо тармоқларини кенгайтириш, барча туман марказларида, аҳолидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича пунктлар ташкил этиш ҳисобига уларга мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита етиштирувчилардан тўғридан-тўғри қабул қилишни йўлга қўйиш масаларида кўмаклашиш;

2.8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита уларнинг етиштирувчиларидан харид қилишни ва уларни мақбул нархларда деҳқон бозорларида сотишни йўлга қўйиш;

2.9. Деҳқон бозорларини «дала-дўкон» қоидаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришни ташкил этиш;

2.10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Уюшма таркибига кирадиган корхоналарга аҳолига арзон нархлар билан турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил давомида сотишни ташкил этиш учун енгил конструкциялардан фойдаланган ҳолда «Хизмат-беминнат» ихтисослаштирилган савдо павильонлари қуришга деҳқон бозорлари ва йирик аҳоли уй-жой массивлари ҳудудларида бепул савдо жойлари беришда ҳар томонлама кўмаклашиш;

2.11. “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси таркибига кирадиган корхоналарга улар томонидан «Хизмат-беминнат» чакана савдо павильонлари фаолиятини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;

2.12. Бўлим ваколатлари доирасидаги вазифаларни бажариш юзасидан таркибдаги корхоналарнинг ходимларини малакасини оширишда кўмаклашиш;

2.13. Бўлим ваколоти доирасида оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, веб-сайтдаги янгиликлар ва шу кабиларни) тайёрлаш;

2.14. Хужжатлар билан ишлашни ўрнатилган тартибда белгиланган ижро интизомига риоя қилган ҳолда амалга ашириш;

2.15. Уюшмага келган хат, ариза, таклиф, мурожаат ва шикоятларни бўлим ваколоти доирасида кўриб чиқиш ва мазкур масалаларда хулосаларни Уюшма раҳбариятига тақдим этиш;

2.12. Уюшма фаолияти юзасидан талаб этиладиган маълумотларни бўлим ваколоти доирасида белгиланган муддатларда тақдим этиб бориш.

### **III. БЎЛИМНИНГ ХУҚУҚЛАРИ**

3. Бўлимнинг хуқуқлари қуйидагилар:

3.1. “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси раҳбарияти кўрсатмасига мувофиқ ўз ваколоти доирасида барча давлат ва жамоат ташкилотларида Уюшма номидан иш олиб бориш;

3.2. Республика ва халқаро миқёсдаги семинарларда, конференцияларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

3.3. Уюшма томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари томонидан ярмарка савдоси ва савдо-тайёрлов корхоналарини ташкил этиш, таъминот тизимини такомиллаштириш ва бошқа муҳим устувор йўналишлар бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда бўлим ваколоти доирасида қатнашиш;

3.3. Республика ва халқаро миқёсдаги семинарларда, конференцияларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

3.4. Таркибдаги барча мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналаридан хизмат доирасида фойдаланиш учун тегишли ахборот ва маълумотларни белгиланган тартибда олиш.

3.5. Бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга зарур бўлган ахборотларни Уюшманинг барча бошқарма, бўлимларидан ҳудудий филиаллари, таркибдаги корхоналар, шунингдек, ўз ваколоти доирасида бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари олиш ва таҳлил қилиш;

3.6. Бўлим ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш.

3.7. Бўлим ваколати доирасида Уюшма фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни, норматив хужжатлар лойихаларини тайёрлаш ва раҳбариятга киритиш.

#### **IV. ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

4.1. Бўлим “Ўзбекозиқовқатзаҳира” уюшмасининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.

4.2. Бўлим ўз фаолиятини Уюшманинг бошқа бошқарма, бўлим, ҳудудий филиаллари, таркибдаги корхоналар, шунингдек, ўз ваколати доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади

4.3. Бўлим ходимлари ўз вазифаларини Уюшма раиси томонидан тасдиқланган лавозим вазифалар тақсимооти доирасида ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган иш режаси асосида амалга оширадилар.

4.4. Бўлимга юклатилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан ҳар бир ходим ваколати доирасида шахсан жавобгар ҳисобланади.

#### **V. НИЗОМНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

Бўлим бошлиғи ва унинг барча ходимлари ушбу Низомда кўзда тутилган функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, тақдим этаётган ва умумлаштирган маълумотномаларининг тўғрилиги учун, режа, топшириқлар, ички тартиб қоидалари бажарилиши, ижро интизومي ва меҳнат шартномасидаги талабларни, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга жавобгар ҳисобланади.

Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш Уюшма раҳбарияти томонидан амалга оширилади

Wrist

